ЭКЗЕМПЛЯР Ф.Б. ТашГУ ЮРИДИЧЕСКОГО ФАК.

ҲАР БИРИМИЗ ОКТЯБРГА МУНОСИБ СОВҒА ТАЙЁРЛАЙЛИК

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 59 (3541). | Жума, 24 март 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЧОРВАДОРЛАР РАЛАБАСИ

Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини меҳнат ютуқлари билан нишонлаш учун курашаётган областимиз чорвадорлари беш йилликнинг иккинчи йилида моллари боқиш, уларнинг туғиғи кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш учун астойдил курашмоқдалар. Илғор хўжаликларда чорвачилик ишларининг тобора кўпроқ механизациялаштирилаётганлиги фермаларда ишлаётган кишиларнинг меҳнатини анча енгиллаштирмоқда. Шу билан бирга чорвадорларга ҳақ тўлашнинг яхши йўлга қўйилганлиги уларнинг куч сайин унумли ишлашига сабаб бўлмоқда.

Мана шундай қатор тадбирлар амалга оширилиб турилганлиги учун область колхоз ва совхозларида давлатга гўшт, сут топшириш ишлари яхши бормоқда. Областимиз хўжаликлари давлатга 5000 тонна гўшт топширдилар ва квартал плани ошириб адо этилди. Бу ўтган йилги шу вақтдагига қараганда 400 тонна кўп демакдир. Шунингдек, 12244 тонна сут топширилиб, квартал плани ошириб бажарилди ва бултурги шу муддатдагига нисбатан 1100 тонна кўп сут етказиб берилди.

Бу ютуққа эришишда Калинин район хўжаликлари, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Ленин номли, Янгийўл районидаги «Ленинизм», Ленин номли колхозлар ҳал қилувчи роль ўйнадилар.

Областимиз чорвадорлари юбилей йилида зиммадаги социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун ҳормайтолмай меҳнат қилмоқдалар.

* * *

Октябрь 50 йиллиги вахтасида туриб, астойдил меҳнат қилаётган Калинин районидаги «Бўзсув» совхозининг азамат чорвадорлари давлатга 300 центнердан ортиқ гўшт топшириб, бу соҳадаги ярим йиллик плани анча ортиғи билан адо этишга муваффақ бўлдилар. Бу — совхоз меҳнаткашларининг юбилей йилидаги дастлабки катта ютуқларидир. Хўжалик чорвадорлари давлатга гўшт топшириш йиллик планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги нишонланадиган шодиёна кунга қадар бажаришга аҳд қилдилар.

ОКТЯБРЬ ТЎЛҚИНЛАРИ

Улуғ айём — Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги яқинлашмоқда. Жаҳонда биринчи марта бизнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, тараққиёт ва ривожланиш даврини очиб берган, капитализм кишанларини абадий парчалаб ташлаган, мазлум халқларга ёруғ йўл, бахт ва саодат келтирган бу тарихий кун биргина совет кишиларининг, социалистик лагерь мамлакатларининг байрамигина бўлиб қолмай, миллий мустақиллик, озодлик ва эркин ҳаёт учун курашаётган миллионларча яхши ниятли, тараққийпарвар инсониятнинг ҳам байрами бўлади. Шу туфайли Ватанимизда, халқ демократияси мамлакатларида ва чет элларда Октябрнинг шонли ярим асрлик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Байрам ва улуғ саналарни меҳнатда, ижодда ва оилада янги-янги туҳфалар, муносиб совғалар, қувончли натижалар ва зафарлар билан қарши олиш совет кишиларининг ажойиб одати бўлиб қолган. Бепоён Ватанимизда, шу жумладан пойтахт областининг шаҳар ва районларида, колхоз ва совхозларида, корхона ва муассасаларида, қурилишлар, илм-фан даргоҳларида—ҳамма ерда меҳнат кўтаринкилиги, сиёсий активлик, ғайрат ва ташаббус бениҳоя юксалиб, умумхалқ ҳаракатига, миллионларнинг қудратли Октябрь тўлқинига айланиб бормоқда. Ишчилар, колхозчилар инженер-техник ходимлар, олимлар, бутун-бутун коллективлар юксак социалистик мажбуриятлар олмоқдалар, зафарли марраларни белгиламоқдалар, катта режалар тузмоқдалар. Бу режалар ва планлар, мақсад ва истак, ҳаракат ва ният — Ватанимиз кучи ва қудратини янада оширишга, мамлакатга кўпроқ саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беришга қаратилгандир.

«Ижодиниз, меҳнатимиз, қалб ҳароратимиз — Улуғ Октябрга!», «Юбилейни — янги зафарлар билан нишонлаймиз!», «Октябрга — шахсий совғамиз!», «Пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқарамиз!» бу ва шу сингари юрак ҳароратини ифода этувчи оташин, жанговар сўзлар ҳар бир совет кишисининг дили ва тилидан отилиб чиқмоқда, ҳамма ерда баралла ва қудратли янграмоқда. Бу жанговар сўзлар ва илҳомбахш чақириқлар ўз Ватани, Коммунистик партияси ва ўз ҳукуматига, халқига меҳр ва муҳаббати чексиз, бениҳоя садоқатли совет кишиларининг юксак олижаноблигини, ажойиб фазилатларини ифода этади. Ишчилар ва колхозчилар беш йилликнинг иккинчи йили дастлабки квартали планларини ошириб бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортлари бермоқдалар. Областимизнинг илғор саноат корхоналари ва коллективлари иккинчи квартал ҳисобига ишламоқдалар. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари давлатга гўшт ва сут топшириш квартал планини бажардилар. Колхоз ва совхозларда дала ишлари кучайтириб юборилди. Ҳамма соҳада умумхалқ социалистик мусобақаси кенг қулоч ёйиб, ажойиб самаралар бермоқда. Яратувчилик, ижодий меҳнат, ғайрат ва ташаббус булоқдек мавж уриб турган шу кунларда яна бир янги ватанпарварлик ҳаракати бунёдга келди. Илғор ишчилар ва деҳқонлар Октябрь шарафига шахсий мажбуриятлар олиб, юбилейни муносиб совғалар билан нишонлаш ташаббускорлари бўлиб чиқмоқдалар. Тошкент тепловоз депоси машинисти А. Маракаев ва Октябрь революцияси номидаги тепловоз вагон ремонти заводининг токари М. Сергеев ўртоқлар бу ишни бошлаб бердилар. Маракаев ва Сергеев йиллик планни 7 ноябргача бажариш, беш йилликни эса тўрт йилда адо этиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш материалларни иқтисод қилиш, меҳнат унумдорлигини 10 процент ошириш ва иқтисод қилинган ёқилғи ҳамда материаллар ҳисобига икки ой ишлашга қарор қилдилар. Уларнинг бу юксак онглилиги, совет кишисига хос фазилатлари, ўз Ватанининг ҳақиқий жонкуярлари эканликлари ҳаммага ибрат бўлмоқда. Улар ташаббуси кенг қанот қоқмоқда, юзлаб, минглаб кишилар бу хайрли ишга лаббай, деб қўшилмоқдалар.

Маракаев ва Сергеевлар издошлари ҳар бир соҳада, ҳар бир участкада енг шимариб, кўкрак кериб, мағрур ва мардона майдонга чиқмоқда. Бекобод районидаги «Победа» колхозининг пахтачилиқда донғи чиққан механизаторн К. Эгамберднев, «Қорасув» совхозида сабзавот етиштиришни биринчи бўлиб комплекс механизациялаштирган звено бошлиғи Н. Нурматов, янги Тошкентни барпо этишга ёрдамга келган қардошларимиз, Чирчиқ, Тошкент, Олмалиқ, Оҳангарон, Бекобод шаҳарларининг азамат саноатчилари, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Бўка ва Янгийўлнинг миришкор деҳқонлари, Оржоникидзе ва Калинин районларининг сабзавотчи, боғбонлари, чорвадорлар, шоликорлар, ғаллакорлар, сут соғувчилар, паррандабоқарлар, чўпонлар, ҳар бир касб ва ҳар бир ҳунар эгаси Октябрь шарафига шахсий мажбуриятлар олмоқда, янги марра ва режаларни белгилаб, бел боғлаб, енг шимариб, амалий ишга киришмоқда.

Илғор, прогрессив ташаббусларни, янги ҳаракат ва яратувчилик ишларини кенг қўллаб-қувватлаш, пропаганда қилиш ва уни кенг қанот ёздириш, шу асосда умумий юксалишга эришиш партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг шарафли вазифасидир. Меҳнатимиз — Улуғ Октябрга! Бу деган сўз — ҳар қандай байрам ва тантаналарни меҳнат билан, яратувчилик ишлари билан, янги зафарлар билан кутиб олиш демакдир. В. И. Ленин таълим берганидек, улуғ революциянинг йиллигини байрам қилишнинг энг яхши усули — диққат ва эътиборни ҳал этилмаган вазифаларга қаратишдан иборатдир.

Юбилей йилида саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданий қурилиш соҳасида улкан вазифалар турибди. Пойтахт области меҳнаткашларининг 1967 йилги мажбуриятлари яқинда матбуотда эълон қилинди. Бу мажбуриятларда мақсад ва истак, режа ва планлар аниқ ва равшан кўрсатиб берилган. Асосий вазифа олинган юксак план ва социалистик мажбуриятларни ошиғи билан бажаришдан иборатдир. Юбилей йилида ҳар бир завод ва фабриканинг, колхоз ва совхозниинг давлат ва халқ олдидаги катта ва масъулиятли вазифаларини ҳеч сўзсиз бажарилишита эришайлик. План ва топшириқларни бажармаган биронта ҳам коллективнинг қолмаслиги учун курашайлик. Бу ишлар ўз-ўзидан бўлмайди. Бу фақат меҳнат, чинакам ижодий меҳнат билан юзага келади. Мажлисбозлик, қуруқ ваъда, қарорлар чиқариш билан иш битмайди. Вақт ғанимат. Ҳар бир кун ва ҳар бир минутнинг қадрига етайлик. Вақтдан ютқазган нақтидан ютқазади!

Баҳор. Барака, ҳосил фасли бошланиб кетди. Экин экилмоқда. Ҳадемай ерга чигит қадаладн. Чорвачилик ва пиллачиликда ҳам масъулиятли кунлар келди. Бу ва бошқа қишлоқ хўжалик ишларини вақт-соатида ўтказиш учун ғайрат билан ишга киришайлик. Юбилей йили саноатимизда, қишлоқ хўжалигида, маданий қурилиш соҳасида, ҳар бир совет оиласида, ҳар биримиз ҳаётимизда қувонч, бахт-саодат ва янги зафарлар йили, буюк ғалабалар йили бўлсин!

А. МАРАКАЕВ:

◆ **Пассажир поездларини график бўйича бошқаришга эришаман.**

◆ **Йил давомида тепловозни икки ой бошқаришга етадиган ёнилғини тежаб қоламан.**

М. СЕРГЕЕВ:

■ *Меҳнат унумдорлигини 10 процент оширамен.*

■ *Йиллик планни Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги кунигача, беш йиллик план топшириғини эса 4 йилда бажаришга эришаман.*

■ *Йил давомида 3 минг сўмлик жамғарма оламан.*

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидаги Х. Тошболтаев раҳбарлик қилаётган звенода барча техника экишга тахт бўлиб турибди. Бу звено ўтган йили гектаридан 36 центнердан ҳосил етиштиришган ва илғорликни эгаллаган эди. Суратда: ўртоқ Х. Тошболтаев.

А. Мальцев фотоси.

«Ташавтомаш» заводнинг коллективи Октябрнинг шонли юбилейи шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаяпти. Суратда: мастер Абдували Турдибоев ишчи Нина Иксанова тайёрлаган маҳсулотнинг сифатини текширяпти.

А. Тўраев фотоси.

Бу қизнинг исми Люба Толовикова. У Россиянинг Череповец шаҳридан келган. У янги Тошкентни бунёд этишда муносиб ҳисса қўшяпти. Суратда: кўтарма кран машинисти Л. Толовикова.

М. Нуриддинов фотоси.

ОҚҚЎРҒОНДА ИҚТИСОДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Оққўрғонда республика фанлар академияси ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг коллективи иштирокида иқтисодий конференция бўлиб ўтди.

Бу институтнинг тажриба хўжалиги 1-«Оққўрғон» совхозида жойлашган. Шу совхознинг илгариги қолоқ участкаси олимлар ва механизаторлар қўмагида ҳозир илғор участкалардан бирига айланди. Масалан, ўтган йили бу ерда гектаридан 29 центнердан пахта етиштирилди, ҳосилнинг 90 процентдан кўпроғи машиналар ёрдамида териб олинди.

Институтнинг тажриба даласида ўтказилган иқтисодий конференцияда колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, ишлаб чиқариш илғорлари, олимлар иштирок этдилар.

Конференцияда район партия комитетининг биринчи секретари **С. Тоиров**, ўсимликлар экспериментал биология институти директори **С. Йўлдошев**, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози директори **З. Махсумов**, биология фанлари кандидати **Р. Раҳмонов**, Ҳамид Олимжон номли колхоз раиси **Х. Эргашев** ва бошқа ўртоқлар доклад қилдилар.

Конференцияда доклад қилган ҳамда музокарада сўзга чиққан ўртоқлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фан ва илғор тажриба ютуқларини тез суръатлар билан жорий этишга қаратилган қатор таклифларни киритдилар.

Шунингдек, колхоз ва совхозлар экономикасини кўтариш бўйича, пахта ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олиш борасида зарур тадбирлар ишлаб чиқилди. Бунда меҳнатни ташкил қилишнинг звено системасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди.

Конференцияда область партия комитетининг биринчи секретари **М. Абдураззоқов** нутқ сўзлади.

* * *

Конференция тугаганидан сўнг институтнинг тажриба даласида экишга тайёрлаб қўйилган техника ишлатиб кўрсатилди. Илмий ходимлар машиналарни бошқариш, чигит экишни муваффақиятли ўтказиш бўйича қилинадиган ишлар ҳақида гапириб бердилар.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ АМАЛГА ОШМОҚДА

Ўзбекистон иқтисодчиларининг планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтишга бағишланган кенгаши 23 мартда ўз ишини тамомлади.

Якунловчи ялпи мажлисда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кибернетика институтининг директори В. Қ. Қобулов, «Таштекстильмаш» заводнинг директори З. Н. Назиров, СССР Госплани бошқармасининг бошлиғи Н. Д. Барковский, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш билан шуғулланувчи кенгаш раисининг ўринбосари К. Н. Бедринцев, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Л. М. Володарский, Андижон область план комиссиясининг раиси С. А. Аҳмедов, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри Ф. Қ. Қўқонбоев, «Главхлопкомаш» бошлиғининг ўринбосари А. Я. Тарановский, СССР Молия министрининг ўринбосари И. В. Гужков, СССР Госплани раисининг ўринбосари А. В. Бачурин сўзга чиқдилар. Секцияларнинг ишлари якунланди.

Кенгаш планлаштиришни такомиллаштириш ва иқтисодий ишларни яхшилаш юзасидан тавсиялар қабул қилди. (ЎзТАГ).

ЧИГИТ ЭКИШ АРАФАСИДА

ПАХТА (**Ўз мухбиримиздан**). Киров номли колхоз аъзолари юбилей йилида ҳар гектар ердан 28,9 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Бу пландагидан 2 центнер кўп демакдир. Улар шу мақсадга эришмоқ учун кўклам экин кампаниясига тайёрлик ишларини пухта ўтказмоқдалар. Чигит экишгача ва чигит экилгандан кейин қилиниши лозим бўлган барча турдаги ишлар, шунга сарф этилиши лозим бўлган маблағлар белгилаб олинди.

Масалан, чигит экилгунга қадар пахта майдонларидан тахминан 270 тонна ёввойи ўт илдизлари териб ташланиши, 256 гектар қия ерлар текисланиши, 85 километр узунликдаги уватлар, столбаларнинг тагидаги ҳайдалмай қолган 18 гектар ер чигит экилгунча чопиб ерга қўшилиши, ҳайдалиши, текисланиши лозим. Бунинг учун ҳар гектар ерга чигит экилгунгача ва чигит экилгандан кейин то йиғим-теримгача қанча сўм маблағ сарфланиши аниқ белгилаб чиқилди.

Киров номли колхозда кўп ерларга белгиланган миқдорда уруғ ташлайдиган сеялка билан туксиз чигит экиш расм бўлиб қолган. Бу йил ҳам 550 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экишга тайёрлик кўрилмоқда.

— Маълумки, — деди колхоз раиси Абдураҳмон Юсупов, — гўзани ягана қилиш вақтида пилла қурти боқиш авжига чиққан бўлади. Одамлар қурт билан банд бўлиб, далага чиқилмай қолади. Натижада гўза яганаси кечикади, уни ўт босади. Бунн тажрибада кўп кўрдик. Шунинг учун белгиланган миқдорда уруғ ташлайдиган сеялка билан чигит эка бошладик. Бу тадбир тиқилинч келган маҳалда бизга бирмунча ёрдам берянти. Бундан ташқари 60 тонна уруғлик чигит кам сарфланяпти. Бу 7200 сўм пул ёнга қолди деган сўз. Бундан ташқари квадрат-уялаб чигит экиш учун ер ниҳоятда сифатли текислаиши, ёввойи ўт илдизлари олиб ташланиши, тупроқ майин бўлиши лозим. Бу чигитни бир текис ва бехато униб чиқишига ёрдам беради.

Колхозда ҳар бир колхозчига ўзи ёз буйи ишлайдиган ерни экишдан олдиноқ бўлиб берилаётгани диққатга сазовордир. Воҳоланки, ҳозиргача кўп колхозларда чигит униб чиққандан кейин қозиқ қоқиб одамларга ер бўлиб берилади. Бу ишни эрта муддатда бажариш фойдалидир.

— Чунки, — деди колхоз агрономи. Бозорбой Эракаев, — ҳар бир киши ўзи ишлайдиган ерда ўт кам бўлишини, чигит текис уни чиқишини, сув босиб қўллаб қолмаслиги учун курашади, ерни чигит экишга сифатли тайёрлашга ҳаракат қилади. Бу гўза парваришн давримда қўл билан қилинадиган ишларни анча енгиллаштиради.

Пўлат Тўйлибоев, Аҳмад Лукмонжонов бошлиқ звеноларда, Турсуной Охунова бошлиқ участкада звено аъзоларига ҳар қайси картадан ерлар бўлиб берилди.

Чигит экиш, гўза парвариши учун зарур бўлган барча техника воситалари тахт. 9 та ҳайдов трактори, 35 та чопиқ трактори, 16 та сеялка, шу жумладан белгиланган миқдорда уруғ ташлайдиган 10 та сеялка ва бошқалар ремонтдан чиқариб қўйилган.

Шонли Ватанимизнинг 50 йиллик юбилейини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишга аҳд қилган бу колхоз аъзолари ишни ана шундай ташкил этиб, зиммадаги мажбуриятларини адо этиш учун курашмоқдалар.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



Петроград. 1917 йил. Қишлик саройни штурм қилиниши (чапда).

1917 йил октябрида олинган бу суратда Петроградаги Қизил гвардиячиларни кўриб турибсиз (ўнгда).

ИНСОНИЯТНИНГ ИНҚИЛОБ МАШЪАЛИ

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ дунёни социал жиҳатдан тубдан қайта қуриш даврини бошлаб берди. Инсоният тарихида революцион тўнтариш биринчи марта эксплуатациянинг бир формасини иккинчиси билан алмаштирмай, балки кишининг киши томонидан эзишнинг ҳар қандай формаларини йўқ қилишга олиб келди. Россияда социалистик революциянинг ғалаба қилиши коммунистик ғояларни амалда жорий этишни бошлаб берди, социализмни бутун жаҳон тараққиётига таъсир кўрсатувчи қудратли моддий кучга айлантирди.

Ғалаба қозонган пролетариат ватани жаҳондаги барча революцион кучларнинг жозиба маркази бўлиб қолди. Октябрь революцияси туфайли юзага келган бу объектив фактор Совет ҳокимиятининг гонгидаёқ жаҳон революцион жараёнининг йўналишини белгилаб берди. Халқаро вазият, деган эди В. И. Ленин 1920 йилда, революцион назорат Совет Россияси қолган капиталистик мамлакатлар билан олиб бораётган кураш атрофида айланмоқда.

Совет халқи капиталистик қуршовнинг фавқулодда машаққатли шароитларида Октябрь ғалабаларини сақлаб қолди, жаҳон революциясининг асосий таянч базаси бўлмиш тарихда биринчи социалистик давлатни сақлаб қолди ва мустаҳкамлади. Ғалаба қилган социализм ҳозирги замоннинг барча революцион ҳаракатларига бевосита ва билвосита таъсир кўрсата бошлади. Бу таъсир капитал мамлакатларидаги революцион ривожланишнинг бевосита манбаи бўлган эмас ва бўла олмасди ҳам. Бундай манба социалистик революциянинг етилиши учун шарт-шароитлар туғдирадиган капитализмнинг ички зиддиятлари эди ва ҳозир ҳам шундай.

Ҳозирги Пекин раҳбарлари айтаётганидек, ғалаба қозонган ишчилар синфи революцион жараённинг тезлашувига «туртки» ёки «революцион урушлар» бошлаш йўли билан эмас, балки бутун дунё меҳнаткашларининг идеаллари ва орзу-умидларини рўёбга чиқаришга қодир бўлган янги жамиятни тузишнинг реал намунаси билан таъсир кўрсатади. «Зўрлик, — деб уқтирган эди В. И. Ленин,—ўз ҳокимиятини қайтадан тикламоқчи бўлганларга нисбатан ўз кучини кўрсатади. Лекин зўрликнинг аҳамияти худди ана шу билан тамом бўлади, бундан кейин эса таъсир ва намуна кўрсатиш кучи ўзини кўрсатади. Коммунизмнинг аҳамиятини амалда, намуна қилиб кўрсатиш керак» (Ленин, Асарлар, 31-том, 483 бет).

Социализм намунасининг революционлаштирувчи кучи тўғрисидаги ленинча таълимот СССР да янги жамият қуришнинг дастлабки давридаёқ амалда тасдиқланди. Уша вақтдаёқ бутун дунё меҳнаткашлари пролетариат фақат ўз қўлига ҳокимиятни олибгина қолмай, балки ундан бутун халқ манфаатлари йўлида муваффақиятли фойдаланиши мумкинлигини кўрдилар. Пролетариат диктатураси капиталистлардан ишлаб чиқариш воситаларини тортиб олиб ва ерни умумхалқ мулкига айлантириб, синфий эксплуатация асосларини тугатди, у саккиз соатлик иш кунини, социал таъминот тўғрисидаги декретни жорий қилди, халққа кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берди, маданий революцияни амалга оширди. Ана шуларнинг ҳаммаси Советлар мамлакатини жаҳон ижтимоий тараққиётининг раҳномоси қилиб қўйди. Совет ишчилар синфининг оламшумул тарихий муваффақиятлари капиталистик дунёда пролетариатнинг ўз социал ва сиёсий ҳуқуқлари учун олиб бораётган курашини рағбатлантирди. Октябрь революцияси ғалабасидан кейингина бир қатор буржуа мамлакатларида ишчилар саккиз соатлик иш куни, социал страхование ва умумий сайлов ҳуқуқи жорий этилишига эришдилар.

«Октябрь революциясининг якунлари, тарих сабоқлари, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг 1967 йил 4 январдаги Қарорида, — **социализмнинг капитализмдан устунликларини яққол исботлаб турибди.** Совет социалистик жамиятининг тараққиёти, у эришган натижалар социализмнинг ижтимоий ишлаб чиқаришни планли ва самарали ривожлантиришни, халқ фаровонлиги ва маданиятини ўстиришни, меҳнаткашлар учун демократия ва чин озодликни таъминлаб берувчи ижтимоий тузум эканлигини амалда исбот қилди».

Октябрь мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг онгли революцион фаолият учун уйғонишларида қудратли туртки бўлди. Ўрта Осиё, Кавказ ва Сибирь халқларининг чоризмнинг мустамлака зулмидан озод қилиниши, Совет Иттифоқининг чекка районларида феодал тартибларининг тугатилиши, миллий масаланинг муваффақиятли ҳал этилиши, радикал аграр қайта қуришларнинг амалга оширилиши Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларида миллий озодлик ҳаракатининг юксалишига ёрдам берди.

СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТНИ ТЕЗЛАТУВЧИ ҚУДРАТЛИ КУЧ

КОММУНИСТИК қурилишнинг биринчи босқичида Совет Иттифоқи жаҳон революцион ҳаракатига таъсир кўрсатишда маълум сабабларга кўра анча чегараланган эди. Мамлакатимиз экономика ва маданий тараққиёти даражасининг етарли бўлмаганлиги, ўтмишнинг кучли сарқитлари ва бошқа бир қатор ноқулай ҳолларнинг мавжудлиги туфайли совет халқи социализм ғалабасига ҳали ҳеч ким юрмаган йўллар орқали келди. Уша маҳалда қурашаётган халқларга кўрсатилган ёрдам асосан маънавий-сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш формасидагина намоён бўлган эди.

Аммо ўша вақтда ҳам ғалаба қилган социализмнинг муваффақиятлари янги ижтимоий тузумнинг афзалликларини амалда кўрсатиб, халқ оммаси кўзи олдида капитализмнинг обрўсини туширган эди. Социализм намунасининг таъсири остида меҳнаткашлар халқнинг қашшоқлиги, кризислар, ишсизлик каби социал фалокатларнинг сабаби социал ва маданий тараққиёт йўлида асосий тўғоноқ бўлган капиталистик системага хос бўлган иллатларда эканлигига рўй-рост ишондилар.

Иккинчи жаҳон уруши социализмнинг ҳаётбахшлигини кўрсатган буюк тарихий синов бўлди. Совет Иттифоқи бу синовга шон-шараф билан бардош берибгина қолмай, балки капиталистик зулмга қарши курашда ва тараққиётнинг социалистик йўлига ўтиб олишда Европа ва Осиёнинг кўпгина халқларига салмоқли ёрдам ҳам берди.

Социализм жаҳон системасига айланиши билан халқаро революцион ҳаракат маркази тушунчачаси кенгайди. Ҳозирда борган сари замонамизнинг ҳал қилувчи кучига айланаётган жаҳон социалистик ҳамдўстлиги ана шундай марказ ҳисобланади.

Аммо ана шундай шароитларда ҳам Совет Иттифоқи халқаро революцион ҳаракатда етакчи ўринни эгаллаб турибди. Бунинг сабаби шуки, биринчидан, СССР социалистик ҳамдўстликда энг қудратли экономика ва ҳарбий потенциалга эга бўлган мамлакатдир. Бу куч-қудрат империализмнинг асосий кучларини жиловлаб туради, барча социалистик мамлакатлар қўлга киритган ғалабаларнинг ишончли ҳимоячиси ролини бажаради, курашаётган халқларни контрреволюция экспортидан муҳофаза қилади. Иккинчидан, Совет Иттифоқи биринчи бўлиб социалистик жамият қурган мамлакат сифатида бой тажрибага эгадир. Бу тажрибадан фойдаланиш социалистик йўлдан ривожланаётган давлатлар учун ҳам, келажакда ана шу йўлга ўтиб олувчи мамлакатлар учун ҳам ўзининг беқиёс аҳамиятини ҳали узоқ вақтгача сақлаб туради. Ниҳоят, учинчидан, СССРнинг авангардлик роли шу билан изоҳланадики, у биринчи бўлиб коммунизм қурилиши авж олдирилган даврга қадам қўйиб, бутун инсониятга порлоқ келажак йўлини кўрсатиб бермоқда.

Совет халқи коммунистик ижтимоий тузум асосларини яратиб, жаҳон революцион ҳаракати олдидаги ўз олий интернационал бурчини бажармоқда, Ленин сўзлари билан айтганда, **барча мамлакатларда** революцияни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, уйғотиш учун бир мамлакатда иложи борича қилинадиган барча ишларни амалга оширмоқда.

Совет Иттифоқи социализм қурилишида эришилган катта муваффақиятлари туфайли халқаро антиимпериалистик ҳаракатни маънавий-сиёсий қўллаб-қувватлаш билан бирга, унга маълум даражада моддий ёрдам ҳам кўрсатадиган бўлиб қолди. Осиё ва Африканинг кўпгина халқлари ана шу ёрдам туфайли мустақилликка эришдилар ва янги мустамлакачилик тазйиқига муваффақиятли равишда қаршилик кўрсатмоқдалар. СССРнинг қўллаб-қувватлаши Америка империализмига қарши курашга бардош беришда Куба революциясига ёрдам берди. Совет Иттифоқи Вьетнам халқини қатъий равишда ҳимоя қилиб чиқмоқда, АҚШ империалистик агрессиясини даф этишда бу халққа доимий равишда моддий ва ҳарбий ёрдам кўрсатмоқда.

СССРнинг бевосита коммунизм қуришга утиши, ҳаётнинг барча соҳаларида оламшумул-тарихий ғалабаларга эришаётганимиз коммунистик кучлар намунасини мисли кўрилмаган даражада ўсаётганлигини, жаҳон революцион жараёнига коммунизм кўрсатаётган таъсир доирасининг кенгаяётганлигини билдиради. Эндиликда гап капиталистик мамлакатлардаги ҳар бир меҳнаткашга бир бутун ижтимоий система сифатида социализмнинг афзал эканлигини, капитализм эса, у иқтисодий жиҳатдан ривожланган қайси бир мамлакатда ҳукмронлик қилмасин, тарих батамом ўлимга маҳкум этган тузум эканлигини исботлаш тўғрисида боради.

«Совет халқи коммунизм неъматларидан фойдалана бошлаганда,—дейилади КПСС Прогоммасида,—ер юзида яна юз миллионларча кишилар: «Биз коммунизм тарафдоримиз!», деб айтадилар. Коммунизм идеялари барча мамлакатларга қарши урушиш йўли билан эмас, балки жамиятни мукаммал ташкил қилиш намунаси билан, ишлаб чиқарувчи кучларни равнақ топтириш, инсоннинг бахти-саодати ва фаровонлиги учун барча шароитларни яратиш билан халқ оммасининг ўй-фикри ва қалбига жо бўлади».

Совет Иттифоқи ўтказиб келаётган тинч-тотув яшаш сиёсати жаҳон революцион тараққиёти учун катта аҳамиятга эгадир. У халқларнинг империализмга қарши курашида энг қулай шароитларни яратиб беради. Бу сиёсатда социализмнинг афзалликлари айниқса ёрқин намоён бўлади, қурашаётган халқларга ёрдам кўрсатиш учун имкониятлар кўпаяди. Халқаро кескинликнинг юмшаши империалистик реакциянинг очиқ террор методларини қўллашига ҳалақит беради ва меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун курашларига кўмакдош бўлади.

Коммунистик қурилиш муваффақиятларининг жаҳон озодлик ҳаракатига таъсир кўрсатиш мураккаб ва кўпқиррали жараён бўлиб, у ягона мақсад сари—кенг меҳнаткашлар оммаси революцион активлигини рағбатлантириш, улар орасида социалистик ғояларни тарқатиш йўлидан ривожланиб боради. Бу мақсадга эришиш йўллари ва уни амалда ифодаланиш формалари жаҳон революцион ҳаракатида қатнашаётган ўз ёки бу кучларнинг социал характерига қараб ўзгариб туради.

Социалистик система мамлакатлари учун Совет Иттифоқининг коммунистик қурилишдаги бой тажрибаси биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Бу тажрибани ижодий ўзлаштириб олиш социализм сари ҳаракатни тезлаштириш, кўпгина хато ва қурбонлардан холи бўлиш имконини беради.

Совет Иттифоқининг моддий ёрдами социалистик мамлакатларнинг ривожланиш шароитларини енгиллаштирувчи қудратли фактордир. Урушдан кейинги йилларда СССР социализм мамлакатларига имтиёзли шартлар билан 8 миллиард сўмдан ортиқ узоқ муддатли кредит берди, 1200 га яқин корхона қурилишда кўмаклашди, ўн минглаб мутахассислар тайёрлаб берди, анчагина пулсиз ёрдам кўрсатди.

Капиталистик мамлакатларда озодлик ҳаракатининг ривожланишига Совет Иттифоқи муваффақиятлари кўрсатаётган таъсир ишчилар синфининг, меҳнаткашлар оммасининг онгини революционлаштирувчи энг таъсирчан фактор сифатида намоён бўлмоқда.

СССРнинг коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврга кириши ғалаба қилган социализмнинг капиталистик мамлакатлар халқларига кўрсатадиган таъсир доирасини кўп даражада кенгайтиради. Коммунистик қурилишнинг биринчи босқичидаги қийинчиликлар Совет Иттифоқи намунасининг революционлаштирувчи кучини тўла даражада ўстиришга имкон бермаган эди. Бу ўринда сиёсатда волюнтаризм ва субъективизм кўринишлари билан боғлиқ бўлган хатолар ҳам озмунча салбий роль ўйнамади. Ана шу сабабларга кўра социализм у вақтда ҳамма соҳаларда ва капитализм билан мусобақанинг ҳамма даражаларида ўз устунликларини ҳали амалда кўрсата олмаган эди. Шунинг натижасида капиталистик мамлакатларда ишчиларнинг анчагина қисми империалистик ва ўнг социалистик пропаганданинг кучли таъсири остида коммунистлар кетидан эмас, ишчилар ҳаракатида иш кўрган оппортунистик ташкилотлар ва партиялар кетидан бордилар. Бу эса айрим мамлакатларда пролетариат революцион курашининг вақтинча сусайиб қолиш сабабларидан бири бўлди.

СССРнинг коммунизм қурилиши иккинчи фазасига кириши билан бу вазият тубдан ўзгарди. Юксак тараққий этган социалистик жамият даражасига етиб, дейилади КПСС Марказий Комитетининг январь Қарорида, халқимиз бутун дунёда социал ўзгаришларни тезлаштиришга кўрсатадиган ўз таъсири имкониятларини ниҳоятда кенгайтирди. Совет кишиларининг фан ва техника соҳаларидаги ажойиб муваффақиятлари, социалистик демократияни янада кенгайтиришга қаратилган тадбирлар, илгари йўл қўйилган хатоларни тузатишда КПСС кўрсатаётган қатъиятлик бутун дунё меҳнаткашлари онгига чуқур таъсир кўрсатмоқда, социалистик намунанинг жозиба кучини оширмоқда, антикоммунистик пропаганда уринишларини зарарсизлантирмоқда. Бунда яни беш йиллик планнинг амалга оширилиши, КПСС XXIII съезди белгилаб берган иқтисодий реформанинг турмушга жорий этилиши катта аҳамиятга эгадир. Саноатни бошқаришни қайта қуриш, социалистик планлаштиришни такомиллаштириш, меҳнаткашларни иқтисодий қурилишга раҳбарлик қилиш ишига кенг жалб этилиши олга қараб ривожланишда совет жамияти битмас-туганмас имкониятларга эга эканини бутун дунёга намойиш қилиб кўрсатмоқда. Беш йиллик планнинг бажарилиши натижасида Совет Иттифоқининг қудрати янада ўсади. Бу эса курашаётган халқларга амалий ёрдам кўрсатишни тағин ҳам кўпайтириш имконини беради.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXIII съездига ҳисобот докладида шундай дейилади: «Съезд белгиларган сиёсий йўлни ҳамда хўжалик ва маданий қурилишнинг амалий программасини амалга ошириш Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудратини, обрў ва нуфузини янада оширади. Бу империализмга берилган яна бир зарба, Коммунистик партиянинг, социалистик давлатнинг ва совет халқининг улкан халқаро сиёсий ва иқтисодий ғалабаси бўлади».

ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН КУРАШ ТАЯНЧИ

ҲОЗИРГИ замон шароитларида социализмнинг миллий-озодлик ҳаракатига таъсир кўрсатиши алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу аҳамият гап инсониятнинг қарийб учдан бир қисмини ташкил этган юзлаб халқларнинг тарихий тақдирига тааллуқли эканлиги билангина изоҳланмайди. Бу шунингдек, «учинчи дунё» деб аталмиш жойда капитализм социалистик идеалга нисбатан ўз альтернативасини зўр бериб олга сураётгани, Осиё Африка ва Латин Америкаси халқларини капитализм босиб ўтган йўлдан юришга даъват этишга уринаётганлиги билан ҳам изоҳланади. Империализм идеологлари бу халқларнинг сиёсатда тажрибасизликларига, иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатлар меҳнаткашларининг синфий кураш тажрибаси камлигига умид боғлаб, капитализм ва миллий-озодлик ҳаракати манфаатларининг бирлиги муҳим деб уларни ишонтиришга уринмоқдалар. АҚШ ташқи сиёсатининг машҳур назариётчиси У Ростоу бу хусусда шундай деб ёзган эди: «Коммунистлар Америка империализми тўғрисида нималар дейишмасин, биз системамизнинг характери эътибори билан (!) миллий мустақиллик ишини қўллаб-қувватлашдан манфаатдормиз».

Ҳозирги замон капитализми гўё «мустамлакага қарши» деган афсоналар назарий жиҳатдан батамом бемаъни эканлигига қарамай, бу афсоналарнинг ривожланаётган мамлакатлардаги муайян социал табақаларга таъсир кўрсатаётганлигига эътибор бермаслик мумкин эмас. Мазкур мамлакатлар сиёсий мустақилликка эришган бўлсалар ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳали ҳам капиталистик дунёга қаттиқ боғлиқдирлар. Империалистлар бу қарамликдан ривожланаётган мамлакатларда компрадор буржуазия ва имтиёзларга эга бўлган бюрократик элитани тарбиялаб етиштиришда фойдаланадилар. Империалистлар капитализм «ғояларига» содиқ бўлган ана шу табақани ўз мамлакатлари миллий манфаатларининг ифодачилари қилиб кўрсатишга уринадилар. Аслида эса бу манфаатлар амалда империализм ва янги мустамлакачилик манфаатлари билан мос келади.

Бу сиёсатнинг стратегия мақсади, жуда бўлмаганда айрим ривожланаётган мамлакатларга нисбатан, бу мамлакатларни ривожланган капиталистик давлатларнинг аграр-хомашё қўшоғига ва товар сотиладиган бозорига айлантиришдан иборат эмас, асло. Бошқа реал ҳавф бор; империализм ривожланаётган мамлакатларни эксплуатация қилишдан оладиган ўз фойдасининг маълум қисмидан воз кечиб бўлса ҳам шу мамлакатлар ҳисобига жаҳон капиталистик системасини кенгайтириб, бу йўқотишнинг ўрнини социал-сиёсий томондан тўлдиришга уринмоқда.

Ана шундан коммунистик қурилишнинг ривожланаётган мамлакатлардаги социал-сиёсий оқибатларини кўрсатадиган таъсири қанчалар катта роль ўйнашлигини тушуниб олиш мумкин. Бу ўринда ғалаба қилган социализмнинг имкониятлари капиталистик мамлакатларнинг имкониятларига қараганда таққослаб бўлмас даражада кўпдир. Социализм империализм идеологлари сунъий равишда бичиб-тўқиган афсонавий идеалларга ҳар қандай зулм формаларидан озод бўлган, иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётда мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришган янги жамият қуришнинг реал фактларини қарама-қарши қилиб қўяди. Энг муҳими шундаки, бу жамият фавқулодда қисқа тарихий муддатларда бунёд этилди, амалда бир авлод умри мобайнида дунёга келди. Ваҳоланки, капиталистик мамлакатлар учун ҳозирги ривожланиш даражасига етишда юзлаб йиллар керак бўлди.

Шунинг учун ҳам Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларида социализм ғоялари шунчалар оммалашиб кетди. Шунинг учун ҳам бир қатор ёш давлатлар ривожланишнинг нокапиталистик йўлини танлаб олдилар. Совет республикаларининг, айниқса Октябрь революциясигача тараққиёт даражаси жиҳатидан яқиндагина озод бўлган мамлакатларнинг кўпчилигига ўхшаш бўлган республикаларнинг тажрибаси ҳозирги замон маданияти чўққилари сари кўтарилишнинг энг тез ва кам машаққатли йўлини кўрсатиб турибди.

Ривожланаётган мамлакатлар халқлари ғалаба қозонган социализм тажрибасига шу жиҳатдан ҳам янада мойилдирлар, уларнинг узил-кесил озод бўлиш учун олиб бораётган курашлари СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг империализмга қарши курашларининг ягона оқими билан бирдир. ХКП раҳбарларининг миллий озодлик ҳаракатини жаҳон революцион жараёнидан ажратишга, бу ҳаракат учун коммунизмнинг революционлаштирувчи намунаси аҳамиятини камситишга уринишлари қурашаётган халқларни кучсизлантириши мумкин, холос, уларни империализмга қарши курашда якка-ёлғиз қилиб қўяди. Империализм эса худди ана шунга эришишга ҳаракат қилмоқда. Бундай хатти-ҳаракатлар социализм, халқаро ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракати манфаатларига зиён етказади.

Миллий-озодлик ҳаракати ривожланган сари социализм намунасининг унга кўрсатаётган таъсири тобора дифференциал бўлиб бормоқда. Ривожланаётган мамлакатларда миллий революциялар ғалаба қозонганидан сўнг ички шарт-шароитлар ва шунингдек ташқи кучлар таъсири билан социал ва синфий ажралишлар рўй бермоқда. Империализм томонидан ривожланишнинг капиталистик йўлига тортилаётган давлатларда мустақиллик учун кураш даврида миллатнинг асосий социал кучлари вакилларини бирлаштирган ягона миллий фронтларнинг парчаланиши рўй бермоқда. Миллий буржуазия ва унга қўшилган социал группалар ё социалистик қурилиш тажрибаси билан бутунлай қизиқмай қўймоқдалар ва ўз эътиборларини капитализм намунасига қаратмоқдалар, ёки, кўпинча бўлаётганидек, бу тажрибанинг фақат умум-демократик томонини қабул қилиб, унинг радикал социал-иқтисодий ва сиёсий қайта қуришларга тааллуқли томонларини рад этмоқдалар.

Аксинча, меҳнаткашлар оммаси ва революцион-демократик зиёлилар синфий онги ўсгани сари коммунистик намунанинг ана шу иккинчи томонига кўпроқ мойиллик кўрсатмоқдалар, ана шу таъсир остида улар миллий революцияни охирига етказиш ва уни социалистик революцияга айлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу хусусда Куба революцияси ибратли йўл ҳисобланади. У миллий-демократик мақсадларга эришиш билан чегараланиб қолмай, социалистик қурилиш вазифаларини ҳал этишга киришди. Осиё ва Африкадаги бир қатор мамлакатларнинг миллий революциялари ҳам ҳозир шунга ўхшаш йўлдан ривожланмоқда.

Совет Иттифоқи жаҳон миллий-озодлик ҳаракатидаги социалистик тенденцияларнинг ривожланишини на фақат ўз намуна кучи билан рағбатлантирмоқда, у шу билан бирга иқтисодий мустақиллик, социал ва маданий тараққиёт учун халқлар олиб бораётган курашни бевосита қўллаб-қувватламоқда. Бу мамлакатларда СССР ёрдами билан юзлаб корхоналар қад кўтарди, ўн минглаб мутахассислар тайёрланди. Совет Иттифоқининг ўсиб бораётган ёрдами прогрессив миллий-демократик кучларнинг мустаҳкамланишига кўмаклашмоқда, ривожланаётган мамлакатларга империализм таъсирини сусайтирмоқда.

Шундай қилиб, империализмга қарши курашда ягона оқимда бораётган ҳозирги замон революцион отрядларининг барчаси: социализм мамлакатлари меҳнаткашлари, халқаро ишчилар синфи, Осиё, Африка ва Латин Америкасининг курашаётган халқлари ўзларида коммунизм қурилишида СССРда эришилаётган муваффақиятлар таъсирини ҳис этиб турибдилар. Бу таъсир жаҳон революцион жараёнининг ҳаракатга келтирувчи асосий кучларидан биридир. Барпо этилаётган коммунизмнинг муваффақиятлари қанчалар кўп бўлса, унинг инсоният тарихий тақдирига кўрсатадиган таъсири шунчалар самарали ва чуқур бўлади, коммунизмнинг жаҳоншумул ғалабаси шунчалар яқинлашади.

Ю. ОҒАНИСЬЯН,

тарих фанлари кандидати.

Петроград. Смольний олдида мандатларни текшириб кўриш пайти. 1917 йил.

(Ушбу саҳифадаги нодир фотосуратлар Ленинград тарих музейидан олинган).

ТАСС фотохроникаси.

Суратда: Орджоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози сутчилик пунктининг мудири И. Тошманов ва колхозчи А. Абдуғаниев ўртоқлар шаҳарга сут жўнатишмоқда.

С. МАХОВ фотоси.

ИНТЕНСИВЛАШ ЙЎЛИДА

ИНТЕНСИВЛАШНИНГ иқтисодий мазмуни — ҳар гектар майдондан кўп миқдорда маҳсулот етиштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ҳамда механизация ва химия саховатига асосланган ҳолда ердан кўпроқ фойда олишдан иборатдир. Бу вазифани амалга оширишда Тошкент областининг пахтакор хўжаликларида катта муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

Пахтачилик колхозлари 1953 йилдан 1966 йилга қадар пахта етиштиришни 30 процент чамасида, сабзавот етиштиришни 86 процент, мева ва узумни сал кам 3 баробар, гўштни 2 баробар ва сут етиштиришни 2,5 баробар кўпайтирдилар.

Бу ютуқлар қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш туфайли қўлга киритилди. Хўжаликни интенсив ривожлантириш йўлларидан бири ихтисослаштиришдир.

Областимиздаги пахтакор хўжаликларни ихтисослаштириш даражаси ва тармоқлар структураси жиҳатидан гарчи бир хил бўлсада аммо табиий ва иқтисодий шароитларининг характери даражаси жиҳатидан бир-биридан катта тафовут қилади.

Етиштирилган ялпи маҳсулотнинг жами қимматидан 74 процентти пахта ва луб экинларига, 11 процентти чорвачиликка, 6 процентти сабзавот-полиз экинлари ва картошка ҳамда 3 процентти боғдорчиликка тўғри келади.

Тошкент шаҳар атрофи зонасида сабзавот-полиз экинлари ва картошканинг салмоғи сал кам 33 процентни, сут ва гўшт 14 процентни, боғдорчилик эса, 13 процентни ташкил қилади.

Шу йилдан бошлаб шаҳар атрофидаги хўжаликларни сабзавот-полиз экинлари, картошка ва сут етиштириш бўйича ихтисослаштириш даражаси анча оширилди.

Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилига жойлашган ва Далварзин зонасидаги колхозларнинг ялпи маҳсулотида пахтанинг салмоғи айниқса юқоридир — у 80—82 процентни ташкил этади. Ўрта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ районларида ҳам техника экинларининг салмоғи 80—88 процент бўлсада, булар орасида пахта атиги 35—46 процентга тўғри келади.

Қишлоқ хўжалик районлари маҳсулот етиштириш структураси ва ихтисослаштирилишига қараб интенсивлаштириш даражаси жиҳатидан бир-биридан катта фарқ қиладилар. Интенсивлаштириш даражаси эса хўжаликнинг ишлаб чиқариш қуроллари ва энергетика билан қанчалик таъминланганлиги, ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалик ерлари ва ҳайдаладиган ерлардан олинаётган ялпи ҳосил миқдорига қараб белгиланади. Областдаги барча колхозларда ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалик ерларига ўрта ҳисобда 18 минг сўмлик ва ҳар 100 гектар ҳайдаладиган ерга эса, 40 минг сўмлик асосий ишлаб чиқариш воситалари тўғри келади.

Шаҳар атрофидаги сабзавотчилик ва боғдорчилик хўжаликлари ишлаб чиқариш воситалари билан айниқса юқори даражада таъминланган. Бу ерда ҳар 100 гектар майдонга 78 минг сўмлик, Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган колхозларда ҳар 100 гектар майдонга 46 минг сўмлик асосий воситалар тўғри келади: Чирчиқ дарёсининг чап соҳилига жойлашган пахта-луб экинлари бўйича ихтисослаштирилган колхозларда ҳамда Далварзин группасидаги пахтакор колхозларда асосий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланиш даражаси тахминан бир хил бўлиб, у область бўйича ўртача даражадан бирмунча пастроқдир, яъни 100 гектар экин майдонига 27—30 минг сўмлик асосий воситалар тўғри келади.

Асосий воситалар билан таъминланганликни бир ишловчи ҳисобига олиб қаралса, бу тафовутлар унчалик катта эмас. Ҳар бир ишловчи ҳисобига ўрта ҳисобда 750 сўмлик чамасида асосий воситалар тўғри келади.

Шаҳар атрофи колхозларида 100 гектар экин майдони ҳисобига олинаётган ялпи маҳсулот область бўйича эришилган ўртача миқдорга нисбатан 131 процентни, лубкор хўжаликларда 112 процентни, Чирчиқ зонасидаги пахтакор хўжаликларда 100 процентни ва Далварзин группасидаги колхозларда 64 процентни ташкил қилади. Ҳар бир ишловчи ҳисобига етиштирилаётган маҳсулот миқдори ўртасидаги тафовут янада катта. Шаҳар атрофи хўжаликларида 880 сўм бўлса, лубкор-пахтакор хўжаликларда 1.700 сўмга қадар етади.

Тошкент областидаги хўжаликларда пахтачилик қишлоқ хўжалигининг юксак даражада ихтисослаштирилган йирик тармоғи ҳисобланади.

ИҚТИСОДИЙ ТЕМАДА

Бироқ, областимиздаги колхозларда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари унча яхши ривожланган эмас. Бундай тармоқлар жумласига маҳсулдор чорвачилик, картошка, сабзавотчилик, полизчилик ва боғдорчилик киради.

Бунинг оқибатида аҳолининг талаблари, айниқса чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаблари областнинг ўзида етиштирилаётган маҳсулотлар ҳисобига яхши таъминланмаётир.

Бу тармоқлар қолоқлигининг асосий сабабларидан бири уларнинг маълум районларда тўпланмаганлиги, озиқ овқат ва ем-хашак экинларининг жуда тарқоқ ҳолда етиштирилишидир. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг асосий факторларидан бири химиялаштиришдир.

Совет агрохимиясининг асосчиси Д. И. Прянимников қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва химиялаштириш йўли билан интенсивлаш зарурлигини жуда тўғри ифодалаб берган эди. Совет ҳокимияти йилларида минерал ўғитлар ва бошқа химиявий воситалар етказиб бериш анча кўпайди.

Тошкент областининг колхозларида ҳар гектар экин майдонига минерал ўғитлардан: (таъсир кучи ҳисобида) азотли ўғитлар 140—150 килограмм, фосфорли ўғитлар 90 — 100 килограмм ва калийли ўғитлар 15 килограмм, миқдорида солинмоқда. Жами сотиб олинаётган ўғитнинг 90—95 процентти пахтачиликка сарфланаяпти.

Интенсивлаштириш даражаси турлича бўлган бир группа колхозларда ўғит солишни анализ қилинганда яхши интенсивлаштирилган хўжаликлар ўғитдан анча самарали фойдаланаётгани маълум бўлди.

Энг кўп интенсивлаштирилган хўжаликлар группасидаги колхозлар ҳар гектар пахта майдонига кам интенсивлашган хўжаликларга қараганда азот ўғитларини 20 процент, фосфор ўғитларини 45 процент ва органик ўғитларни 38 процент кўп солмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Тошкент областининг кам интенсивлашган колхозлари гўнг ва бошқа ўғитларни тўплаш ҳамда тўғри сақлашга етарли эътибор бермаётирлар.

Қорамоллар туёғининг ҳозирги сони колхозларда ҳар гектар ерга тахминан 6—7 тонналдан гўнг солиш имконини беради-ю, аммо амалда область бўйича ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 3—4 тоннадан гўнг солинмоқда.

Фақат илғор группалардаги колхозларгина экинларни минерал ва органик ўғитлар билан таъминлашни тўғри ташкил қилмоқдалар, ва бу билан ҳосилдорликни анча кўтаришга муваффақ бўлмоқдалар. Областнинг пахтачилик колхозларида ҳар гектар ердан 25 центнергача пахта ҳосили олган колхозлар, бир гектар ерга 138 килограмм азот, 80 килограмм фосфор ва 2,5 тонна гўнг солган бўлсалар 25 центнердан 30 центнергача пахта олган колхозларда эса, 157 килограмм азот, 92 килограмм фосфор, 3 тонна гўнг солишган ва 30 центнердан юқори ҳосил олган колхозларда 162 килограмм азот, 100 килограмм фосфор ва 6,5 тонна гўнг солинган. Бошқача қилиб айтганда, 25 центнергача ҳосил етиштирган колхозларда, бир килограмм соф азот ҳисобига олинган пахта 15 килограмм бўлса, 30 центнердан юқори ҳосил олган колхозларда 19 килограммни ташкил этади.

Бир группа колхозлардан олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, кўп жойларда минерал ўғитлар пахта ҳосилдорлигини ҳисобга олинмаган ҳолда солинмоқда.

Биринчи ва иккинчи группадаги колхозларда ҳам гўнг етарли миқдорда солинмаётир. Учинчи группадаги колхозлар эса, минерал ўғит солиш нормасини ошириш билан бир вақтда органик ўғит солиш нормасини ҳам оширмоқда. Бунинг оқибатида мазкур хўжаликларда ҳосилдорлик тобора ошмоқда, булар областдаги илғор хўжаликлардир.

Бир қатор колхозлар ўғитлардан самарали фойдаланиш соҳасида қимматли тажриба тўплаганлар. Жумладан, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозлари ана шулар жумласига киради.

Шундай қилиб, химиялаштириш, механизациялаштириш колхозлар ишлаб чиқаришини интенсивлашда, экинлар ҳосилдорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш имконини беради.

Меҳнатни энергия билан таъминланганлиги ҳам Тошкент областининг барча районларида тахминан бир хил бўлиб, бир ишловчига ҳисоблаганда 3,5 от кучини ташкил қилади. Аммо механизациянинг даражасига, экинларнинг қанчалик сермеҳнатлигига ва ҳар бир ишловчига тўғри келадиган экин майдонига қараб, шаҳар атрофидаги хўжаликларда ҳар 100 гектар экин майдони ҳисобига энергия билан таъминланганлик даражаси 252 от кучини ташкил қилса, Оҳангарон группасидаги колхозларда эса, 125 от кучига тенг. Пахтачиликда кўпгина иш турлича механизациялаштирилган. Лекин шунга қарамай, маҳаллий ўғитларни тайёрлаш ва экинзорларга сочиш қўлда бажарилмоқда. Бу процесслар ҳам механизациялаштирилса, пахтачилигимиз янада ривожланади, меҳнат унумдорлиги ошиб, таннарх арзонлашади.

Пахтакор хўжаликларни интенсивлаштириш натижасида муайян экин майдони ҳисобига етиштириладиган, пахта миқдоригина эмас, балки чорва маҳсулотлари етиштириш ҳам муттасил кўпаяди. Ҳар 100 гектар ердан 60 минг сўмгача маҳсулот олган колхозларда 1193 центнер пахта, 98 центнер сут ва 21,3 центнер гўшт олинган бўлса, 100 гектар ердан 80 минг сўмлик юқори маҳсулот олган колхозларда 1875 центнер пахта, 215 центнер сут ва 60 центнердан гўшт олинган, яъни пахтачилик колхозларида пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Деҳқонлар олдида турган ҳозирги энг муҳим вазифа экин майдонларини кенгайтирмай, туриб мавжуд ерларнинг ҳосилдорлигини оширишдан иборатдир. Бунга асосан деҳқончиликни механизациялаш, минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиш орқали эришилади.

Б. РАҲИМОВ,
иқтисод фанлари кандидати.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

Совет делегацияси Ханойга жўнаб кетди

Совет делегацияси маданий ва илмий ҳамкорлик плани тўғрисида музокара олиб бориш учун 22 мартда самолётда Москвадан Ханойга учиб кетди. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет мамлакатлар билан маданий алоқа комитетининг раиси С. К. Романовский делегацияга бошчилик қилади.

С. К. Романовский жўнаб кетиш олдидан ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида совет кишилари АҚШнинг жиноий агрессиясига қарши Вьетнам халқи олиб бораётган ҳаққоний курашни бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бу курашга мадад беришга қатъий бел боғлаганликларини таъкидлади. Муваффақиятли суратда ривожланиб бораётган маданий ва илмий ҳамкорлик, — деди у, — шу мақсадларга хизмат қилади. Маориф, соғлиқни сақлаш, фан соҳаларидаги алоқалар қардошларча муносабатларимизда катта ўрин олади. Масалан, ўтган йилнинг бир ўзидагина вьетнамликлардан 500 киши совет олий ўқув юртларини тамомлаб чиқди. Улар агроном, врач, педагог, инженер бўлиб етишдилар.

Биз Ханойда Совет Иттифоқи ва Вьетнам Демократик Республикаси халқларининг манфаатларига энг яхши жавоб берадиган янги ҳамкорлик программасини ишлаб чиқишимиз керак. (ТАСС).

ТУРКИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ИСТАМБУЛ, 22 март. (ТАСС). Туркия ташқи ишлар министри И. С. Чаглиянгил «Байрам» газетасида босилган суҳбатида бундай деди: «Шимолдаги улуғ қўшнимиз — Совет Иттифоқи билан муносабатларимиз мустақиллик принципини (биз бу принципга доим жуда катта аҳамият бериб келдик) ва ички ишларга аралашмаслик принципини ҳурмат қилиш асосида яхши ривожланиб бормоқда. Совет ҳукуматининг бошлиғи тарихда биринчи марта мамлакатимизга сафар қилди. Бизнинг бош министримиз яқинда жавоб визити билан Совет Иттифоқига боради. Болгария, Руминия ва Югославия билан икки ўртада визитлар бошланди ва бу визитлар давом эттирилаверилади».

Сўнгра министр айтдики, Туркия ўз экономикасини ривожлантиришда бундан буён чет эл ёрдамига ҳа деб умид боғлаш ниятида эмас. Туркия бир неча йилдан кейин ўз экономикасини мустақил ривожлантира олади.

Чаглиянгил Туркиянинг НАТО мамлакатлари билан муносабатларига тўхталиб, «тақдирнинг муштараклиги» Туркияни бу мамлакатлар билан боғлайди, деб даъво қилди.

ЖИБУТИДА АҲВОЛ

ПАРИЖ. 22 март. (ТАСС). Жибутидан хабар беришларига қараганда, француз қўшинлари ва полиция бугун эрталаб Франция Сомалиси маъмурий марказида қарийб 40 минг африкалик яшовчи квартални «синчиклаб текшириш» операцияларини яна бошлаб юборган. Франция Сомалисидаги француз қўшинларининг қўмондони генерал Ватинель кеча кечқурун кварталнинг ярми «синчиқлаб текшириб чиқилди», деди. Кварталда яшовчи африкаликлардан 2 мингга яқин киши, шу жумладан етти юз хотин-қиз ва болалар «қўшимча равишда текширишдан ўтказиш учун» Жибути атрофида вужудга келтирилган махсус лагерга жўнатилди. Қўлга олинган кишиларнинг кўпи Франция Сомалисидан чиқариб юборилади, деб кўтилади. 19 мартда ўтказилган референдум олдидан губернатор Луи Саженинг фармойишига мувофиқ, африкаликлардан 6 мингга яқин киши мустамлакадан ташқарига чиқариб юборилди. Булар Сомалидаги элатларнинг вакиллари бўлиб уларнинг кўпчилиги Франция Сомалисини дарҳол мустақил деб эълон қилиш тарафдоридир.



ПОЛЬША. Охирги йиллар ичида Гданск кемасозлик корхоналаридан умумий ҳажми 1900 минг тоннага эга бўлган 430 дан ортиқ балиқ овлаш кемалари сувга туши рилди. Бу кемаларнинг кўпчилиги Европа, Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларининг байроғи остида океан ва денгизларда сузиб юрибди. Суратда: Гданск кемасозларининг Совет Иттифоқи буюртмаси билан қураётган «Фёдр Гладков» кемаси.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИДА

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЦЕЙЛОНГА ЁРДАМИ ТЎҒРИСИДА «ТРИБЮН» ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

КОЛОМБО. Ҳафталик «Трибюн» газетаси ёзади: «Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган пўлат эритиш ва шина заводлари Цейлон оғир саноатининг негизидир». Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ривожланиб бораётган мамлакатларда саноатнинг янги тармоқларини вужудга келтириш учун амалий ёрдам бермоқдалар, ғарб мамлакатларининг ёрдами эса, асосан истеъмол товарларини сотиб олиш учун қарз беришдан иборат бўлиб қолмоқда. Ғарб мамлакатлари Цейлоннинг оғир саноатини вужудга келтиришда ёрдам беришдан доим бош тортиб келдилар.

«Пўлат эритиш ва шина заводларининг ишга туширилиши ороллнинг иқтисодий тараққиётида янги давр бошланганлигидан далолат беради».

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ КЎРСАТГАН НАМУНА

БРАЗЗАВИЛЬ. Жаҳонда биринчи социалистик давлат бўлмиш Совет Иттифоқининг хотин-қизлари ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма соҳаларида Африка хотин-қизлари учун намуна кўрсатмоқдалар. Социализм хотин-қизларнинг жамиятда қонуний ўринларини эгаллашларини ҳақиқатан ҳам таъминлади. Конго (Браззавиль) хотин-қизлари революцион иттифоқи марказий комитетининг аъзоси Жаклин Мизиди ана шу тўғрида гапирди.

Ж. Мизиди Совет хотин-қизлари комитетининг таклифига биноан Москвада ўтказилган 8 март байрамида қатнашган Конго (Браззавиль) хотин-қизлар делегациясига бошчилик қилган эди.

Ж. Мизиди яна қуйидагиларни таъкидлади: Совет ҳокимияти ўрнатилганидан буён ўтган эллик йил ичида Совет Иттифоқининг экономика соҳасида ва халқнинг турмуш даражасини ошириш соҳасида эришган жуда катта муваффақиятлари мамлакат бўйлаб қилган сафаримизда бизда унутилмас таассурот қолдирди.

АДАН ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ ДАДИЛ ҲАРАКАТЛАРИ

САНО. Адандаги аҳвол аввалдагидек ҳозирда ҳам кескинлигича қолмоқда. Олинган маълумотларга қараганда, Адан ватанпарварлари яқинда Жанубий Арабистон федерацияси қўғирчоқ ҳукумати икки министрининг уйига дадил ҳужум қилганлар.

Миллий раҳбарлик ва информация министри Абдул Гиргиринг уйига гранаталар ташланди, ватанпарварлар ички хавфсизлик федерал министри Солиҳ Бин Хусайннинг уйига иккита граната иргитдилар ва бу уйни пулемётдан ўққа тутдилар. (ТАСС)

КАПИТАЛ МАМЛАКАТЛАРИДА ЗАБАСТОВКА

ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ. «Маъмурлар касаба союзлар билан бир стол атрофига ўтириб, улар илгари сураётган талабларни муҳокама қилишлари лозим», — шу кунларда Франциянинг турли районларида бошланиб кетган забастовкаларда неча мингдаб ишчилар ана шу шиор остида қатнашмоқдалар.

«Родиасета» компаниясининг Лион ва Безансон шаҳарларидаги корхоналарининг ишчилари тўрт ҳафтадан буён иш ташламоқдалар. Безансондаги корхоналарнинг ишчиларидан уч мингга яқин киши ўтказилган митингда қатнашди. Улар бу митингда корхона эгалари иш ҳафтасини қисқартганларидан кейин меҳнатга соатбай иш ҳақи тўлашни кўпайтириш ҳақидаги ўз талабларини яна қувватладилар.

Сўнгги кунларда «Родиасета» компанияси корхоналарида бошланган забастовка синтетик толадан газлама ишлаб чиқарётган кўнгина бошқа корхоналарга ҳам ёйилди.

Прогрессив газеталардан тортиб, энг ўнг газеталарининг деярли ҳаммаси саноатнинг турли тармоқларига қарашли корхоналарда ишчилар ялпи ишдан бўшатилаётганлиги сабабли социал муносабатлар кескинлашиб қолганлигини ёзмоқдалар.

Атлантик океан соҳилидаги Сен-Назер шаҳрида ишчиларнинг ялпи ишдан бўшатилишига қарши митинг бўлиб ўтди. Энг йирик уч бирлашма-умумий меҳнат конфедерацияси, Франция меҳнаткашларининг демократик конфедерацияси ва «Форс увриер» вакиллари иш ҳақининг кўпайтирилишини ва Сен-Назердаги кемасозлик корхоналарида 6 минг кишининг ялпи ишдан бўшатилиши бекор қилинишини талаб қилиб чиқдилар. Намойишчилардан 12 минг киши «Интернационал»ни айтиб шаҳар кўчаларидан ўтди.

Бир неча кўмир шахталари ёпилганлиги эълон қилинган Нор, Па-Де Кале департаментларидан, босмахона ишчилари иш ҳақининг оширилишини талаб қилаётган Париж яқинидаги Пютодан, «Денгиз юкларини ташиш жамияти» докерларидан 250 кишн ишдан бўшатилган Марселдан олинган хабарларда забастовкалар, норозилик намойишлари бўлаётганлиги ҳақида маълум қилинади.

ИТАЛИЯ

РИМ. Италия батракларн ва нисфикорларидан икки миллион кишн қишлоқ хўжалик ишчилари касаба союзларининг даъвати билан ташкил қилинган умуммиллий забастовкада қатнашди.

Иш ташловчилар меҳнат ҳақида янги битимлар тузилишини, иш ҳақининг кўпайтирилишини ва ҳосилнн бўлган вақтда маҳсулотларнинг адолатли тақсим қилинишини талаб қилмоқдалар.

ПАРАГВАЙ

ГАВАНА. Парагвайдаги «Сан-Антонио» қушхона-музхона ишчилари ўз касаба союз раҳбарларини эркин сайлаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлиш учун забастовка эълон қилдилар. Пренса Латина агентлиги мухбирининг Асунсьондан хабар беришича Парагвай маъмурлари Америка «Интернейшнл продактс корпорейшн» компаниясининг филиали бўлган бу қушхона-музхонадаги забастовкани бостириш учун ялпи жазо чораларини кўрди.

ГРЕЦИЯ

АФИНА. Греция пойтахти, Пирей порти ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар таксисиз қолди. Бир неча минг кишидан иборат такси эгалари уч кунга ўз ишларини тўхтатиб қўйдилар. Улар кўча ҳаракатини камайтириш, шунингдек таксида юрганлик учун тўланадиган ҳақни оширнш проблемаси ҳал қилинмагунча таксидан фойдаланиш ҳуқуқини бундан кейин беришни тўхтатишни маъмурлардан талаб қилмоқдалар.

ҲИНДИСТОН

ПАРИЖ. Франс Пресс агентлигининг мухбири Калькуттадан хабар беради: Ҳиндистоннинг Ражангпур шаҳридаги (Орисаса штати) цемент заводи ишчилари билан полиция ўртасидаги тўқнашув натижасида 13 киши ярадор бўлган. Ишчилар ўз ўртоқларининг ишдан бўшатилишига қарши норозилик билдириб, намойиш уюштирганлар. (ТАСС).

БАХРЕЙНДА

Аравия ярим ороли соҳилларида Бахрейн номи билан юритиладиган араб шайхлиги жойлашган. Бу ерлик аҳоли кўп йиллар давомида ўз бошидан оғир синовларни кечирмоқда. 1820 йилда Буюк Британия Бахрейн ҳукумати билан «Тинчлик шартномаси»ни тузиб, бу шайхликни ўз мустамлакасига айлантиради. Кейинчалик бу ерда йирик ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз базалари, ташкил топади. Бу базалар Яқин Шарқда Англия мустамлакачиларини қўриқлашга қаратилган эди. Бироқ бахрейнликлар Лондонга қарам бўлишдан, ўз мамлакатларида феодал тартиблар ўрнатилганига қарши норозилик билдириб келмоқдалар. Пойтахт Манамада ва бир қатор йирик шаҳарларда Англия босқинчиларига қарши норозилик намойишлари бўлиб туради. Араб дунёсининг илғор кучлари Бахрейн халқининг озодлиги учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватламоқда. Суратда: Манама шаҳрининг марказий кўчаларидан бири.

Р. Мосеев фотоси, ТАСС фотохроникаси.

КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

Узбекистон ССР Маориф министрлиги республикада кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, ҳали кўпгина мактаб ҳовлиларини, тажриба участкаларини, шу яқин атрофдаги территорияларни кўкаламзорлаштириш соҳасида қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ўқувчилар ишларига биология ўқитувчилари кўнгилдагидек раҳбарлик қилмаётирлар. Айрим мактабларда тажриба участкалари бўлгани ҳолда улар бирнеча йил мобайнида қаровсиз қолдирилиб келинаётир. Тажриба участкаларида кузатув ишлари олиб борилмайди.

Республика Маориф министрлиги юқоридаги қамчиликларни тузатиш юзасидан барча область, шаҳар, район халқ маорифи бўлимларига кўрсатмалар берди. Педагоглар, тарбиячилар ҳамда умумий таълим мактаблари, мактаб-интернатлар, махсус мактаб-интернатлар, болалар уйлари, мактабдан ташқари ва мактабгача тарбия муассасаларининг ходимлари баҳорги кўкаламзорлаштириш ойлигида актив иштирок этишлари зарурлиги ҳам уқтирилди.

Республикамиз мактаблари ўқитувчилари ва ўқувчилари кўкаламзорлаштириш ойлигига қатнашиб, машҳур боғбон Ризамат ота Мусамуҳамедов чақиринига амалий жавоб берадилар.

ИЖОДИЙ МЕҲНАТ КИШИЛАРИ

ҲАЖВЧИ РАССОМ

... Порахўр олазарак, атрофга бир нўқиб етти қаради-да харом қўлини рўпарасидаги одамга чўзди. Шу пайт билагига бир нима келиб санчилгандай бўлди. Юраги урушдан тўхтаб бирдам кўз олдилари қоронғилашиб, аъзойи-бадани бўшашиб кетди. Кўзини очса олдида анави одам йўқ, қўли зирқираб оғрирди. Келиб санчилган ўша бир ниманинг ўрнини пайпаслаб кўрди. Ҳеч нарса йўқ. Унинг асабига кеча кўрган ҳажвий расмдаги порахўрнинг қай аҳволда тасвирлангани таъсир қилган эди.

Ҳажвий расмга тикилиб турган бюрократ ҳам, ялқов ҳам, арақхўр ҳам, безори ҳам, хуллас орамизда учраб турадиган хусунбузарларнинг ҳаммаси ўткир найзали қалам соҳиби Димитрий Синицкийнинг назаридан қочиб қутилолмайдилар. Улар эл ўртасида шармандаи шармисор қилинадилар.

Меҳнатга муҳаббатни шу Димитрий Синицкийдан ўрганса арзийди. У баъзан кўмирдек қора қаламда бўлажак расмлар нусхасини қоғозга тушираётган бўлса, баъзан мўйқалам тутиб ўша расмларга пардоз бераётган бўлади. Уни бекор турганини сира кўрмайсиз. Ҳатто кўчаларда ҳам, сафарга чиққанда ҳам ғоҳ нуроний мўйсафидни тўхтатиб унинг расмини чизаётган бўлади, ғоҳ ажойиб тоғ манзараларини, ғоҳ шаҳардаги кўркам бинолар қурилишини тасвирлаётган бўлади.

Димитрий Синицкий чапдаст рассомлардан. У манзарали расмларни ҳам моҳирлик билан чизади. Китобларни бадиий жиҳатдан безашда унинг олдига тушадигани кам. Портрет, плакатларни шунақа ҳам қойил қилиб ишлайди, кўрганда қойил қоласиз. У гравюрага ҳам уста. Кекса рассом «Боевой карандаш»нинг редколлегия аъзоси.

— Менинг севганим ҳажвий расмлар ишлаш, — дейди Димитрий Димитреевич, — мен бу соҳага қўл урганимга яқинда қирқ йил бўлди.

Димитрий Димитреевич Синицкий яқинда 60 ёшга тўлди. Умрининг 40 йилини расм ишлашга сарфлади. У ўзининг завқли, ҳаётий касбидан ҳамма вақт мамнун бўлиб гапиради.

— Мен жамиятимизнинг тобора гуллаб яшнаши учун озгина бўлса ҳам ҳиссам қўшилаётгани сабабли чексиз хурсандман, — дейди у, — ишлаган ҳажвий расмларим танқид қилинаётган кишиларни хушига келтирса, соф қалби кишиларни кулдираётган бўлса менга бундан ортиқ катта мукофот бўлмайди.

СССР рассомлар Союзининг аъзоси, атоқли рассом, толмас меҳнаткаш Д. Д. Синицкийнинг хизматлари ҳамма вақт қадрланиб келмоқда. У беш марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Ҳурматли Димитрий Димитреевич, қаламингиз яна ҳам ўткир бўлсин, орамиздаги хуснбузарларни бундан кейин ҳам ўткир қаламингиз билан аёвсиз савай беринг! Сизга саломатлик тилаймиз!

С. МАҲКАМОВ.

МУДИР: — Тавба, клуб доим қулф, деб ёзишибди, қани ҳақиқат...

ШАҲАР ҚУРИЛИШИ ТЕМАСИДА

ЯШИЛ БОЙЛИКНИ САҚЛАЙЛИК

Бир йилда шаҳримиз бутунлай ўзгариб кетди. Бултур шу кезларда мавжуд бўлган пастак иморатлар энди йўқ. Улар ўрнида кўпқаватли кўркам турар-жой бинолари бунёд этилаяпти. Шаҳримизнинг кенгайиб кетганлигини айтмайсизми. Калинин ва Оржоникидзе райондари территориясидан ажратилган 20 гектар ер ҳам Тошкентга қўшиб берилди. Бу ерда яққа тартибда турар-жойлар яратилди.

Қурилиш кўлами кенг. Унинг ниҳояси кўринмайди. Кун сайин ўнлаб оилалар ҳовли тўйлари ўтказишаяпти. Боғча ва магазинлар, ошхона ва ҳаммомлар фойдаланишга топширилаяпти. Буларнинг барчаси қардош қурувчилар ва тошкентлик бинокорлар кучи билан оламга келаяпти.

Қурилишнинг бир томонини кўриб қувонаяпмиз-у, аммо иккинчи томонини кўриб кўнглимиз ҳира тортаяпти. Пала-партиш, шошма-шошарлик билан ишлаб қош қўйиш ўрнига кўз чиқараётган айрим коллективлар ҳам бўлаяптики, улардан шаҳар аҳли беихтиёр ранжияпти.

Тошкент — боғ-роғлар шаҳри. Кўчалар бўйига ўтқазилган манзарали дарахтлар ёзнинг иссиқ кунлари бошимиз узра қуюқ соя ташлайди. Хиёбонларда гиламдек товланиб очиладиган гуллар баҳри-дилимизни очади. Лекин бу йил кўпгина ариқ-каналларнинг қурилиш баҳонасида кўмиб юборилганлиги, ниҳолларнинг қуриётганлиги кўнглимизни ташвишга солмоқда.

Шаҳар манзарасига бир назар ташлайлик. Чемпион кўчасидан бошланиб Педагогический кўчасига бориб туташган Гадраган каналининг каттагина қисми ҳозир кўмилиб кетган. Бу «Главташкентстрой» ташкилотларининг айби билан бўлди. Оққўрғон каналининг Крилов кўчасидан то Энгельс кўчасигача бўлган қисми ҳам шу куйга тушган. Бу ерда 9-қурилиш трестининг 40-бошқармаси бинокорлари ишлашаяпти. Улар Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳузурида ташкил этилган ирригация ва гидротехника иншоотлари бошқармасининг рухсатисиз ошхона қурилишини бошлаб юборишди. Шу трестнинг бинокорлари Даркон канали бўйида ҳам 70 квартирали турар-жой қурилишини олиб боришди. Қурилиш баҳона каналнинг 650 метр қисми кўмилиб кетди. Натижада Маданият маҳалласида истиқомат қилаётган 2,5 минг оила сувсиз қолди. Ваҳолангки бу томонларга ҳали водопровод қувурлари ётқизилмаган эди. Трест бошқарувчиси Л. Пономарёв мавжуд аҳволдан хабардор бўлса ҳам лекин бирорта чора кўргани йўқ.

153-қурилиш трести бинокорлари ишидан ҳам кўпчилик хафа 16, 17, 18-кварталлар қурилиши натижасида Яккабоғ каналининг 2500 метрлик қисми кўмилиб кетди. Бу билан Чилонзорнинг 11, 12, 16, 17, 18-кварталлари ҳамда Мевазор маҳалласи аҳолиси сувдан маҳрум бўлди. Трест бинокорлари Қозиробод каналини ҳам йўқ қилиб юбордилар. Натижада Қозиробод маҳалласидаги 10 минг оила сувсиз қолди. Экилган ниҳоллар эндиликда қуримоқда.

Бундай мисоллар жуда ҳам кўп. Мана тошкентликлардан редакциямизга келган бир хат. «159-қурилиш трестининг 9-бошқармаси бинокорлари томонидан пайхон қилинган мевали дарахтларга жонимиз ачияпти. Бузиб юборилган ариқларни тузата олмай тинкамиз қурияпти», деб ёзишибди Октябрь районидаги Қўрғонча кўчасида истиқомат қилувчи бир группа кишилар. Маълум бўлишича бу ерда икки қаватли боғча ва мактаб биноси қурилиши олиб борилган пайтда кўплаб мевали дарахтлар синдирилган, кўчалар бўйидаги ариқлар кўмиб юборилган. Қонун бўйича ариқлар қайтадан тузатиб берилиши, синдирилган дарахтлар учун маблағ ажратилиши лозим эди. Аммо маҳалла аҳолисининг талабига бошқарма бошлиғи ҳам, қурилиш прораби Жалил Абдуқодиров ҳам этибор бермаган. Улар бу ишни сансалорликка солиб қўйишган.

Бир туп ниҳол ўтқазиб уни ҳосилга киргазгунча соҳибкор озмунча тер тўкмайди. Шу ниҳолларда унинг кўз нури, қўл меҳнати, белининг қуввати бор. Эшигинг тагидан шилдираб зилол сув оқиб турса, ариқ бўйидаги олчалар бодроқдек гуллаб унинг атрофида бол арилар парвона бўлса кўриб кўз қувонмайдими «ахир! Ота-боболаримиз мана шундай гўзалликка ошиқ эдилар. Бундан ташқари Тошкент иқлими ҳам кўпроқ ниҳол ўстириши, гулзорлар яратиши тақозо этади. Дарахтлар билан зилол сувгина ёзда бизни иссиқдан асрайди. Агарда бинокорлар ҳозир ҳар қадамда қурилишни баҳона қилиб мевали ва манзарали дарахтларни қуритаверсалар эрта-индин шаҳримизнинг ҳоли не кечади. Бунинг ўрнига кўчат ёнига кўчат қўшишни ўйлаш керак. Янги-янги хиёбонлар яратиш лозим.

Район коммунал хўжалик ходимлари ҳам парвойи-палак юришибди. Ҳали ариқларга сув боғланса кўрасиз ҳангомани. Сув тозаланмаган ариқлардан чиқиб ҳаммаёққа тошиб кетади. Пўллар устида ҳалқоб-ҳалқоб қўлмаклар пайдо бўлиб ўтганнинг ҳам, кетганнинг ҳам ғашини келтиради. Айниқса Октябрь, Чилонзор, Сергели районлари коммунал хўжалик ходимлари шу кеча-кундузда шошилишлари керак. Шаҳар ремонт-қурилиш трести ҳам қараб турмай уларга ёрдам кўрсатиши лозим.

Тошкент шуҳратини ошириш, ҳуснжамолини очиш ўзимизнинг қўлимизда. Кўчат экиш, гул ўтқазиш ўрнига уларни синдириб пайхон қилаётган, ариқларни бузиб обиҳаёт йўлига тўғон солаётган кимсаларнинг танобини тортиб қўйайлик.

З. МУҲАММАДЖОНОВ,
Ж. НОСИРОВ.

СПОРТ

СССР ХОККЕЙЧИЛАРИ ПЕШҚАДАМ

Совет хоккейчилари чемпионатининг учинчи кунида ГДР командаси билан учрашдилар ва осонгина 12:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Орадан бир неча соат ўтгандан кейин эса майдонга олтин медалга даъвогар бўлган яна бир команда — чехлар тушди. Улар АҚШ командасига қарши ўйнадилар. Ўтган йилги кумуш медаль эгалари устун эканликларини кўрсатдилар. Ҳисоб 8:3. Канада хоккейчилари ҳам икки очкони қўлга киритишди. Улар ГФР хоккейчиларини 13:1 ҳисобида ютишди.

Кеча командалар тўртинчи тур матчларини ўтказишди.

МЕҲМОНЛАР ҒАЛАБАСИ

Руминия олимпиада терма командаси ўтган сешанба куни иккинчи учрашувини «Политотдел» колхози футболчилари билан ўтказди.

Румин олимпиадачиларининг устунлиги биринчи таймдаёқ яққол сезилди. Агарда матчнинг дастлабки минутларида колхоз командаси ҳужумчилари меҳмонлар дарвозасига тўп киритаолишмаган экан (бундай вазият икки марта содир бўлди) бу энг аввало дарвозабон Хайдунинг маҳорати туфайлидир. Меҳмонлардан Куперман, Нэстереску, Дину, Жамайскийлар эркин ҳаракат қилиб, ҳимоячиларимизни шошириб қўйишди. Илуридзе кетма-кет уч марта тўпни тўрдан олиб чиқишга мажбур бўлди.

«Политотдел» уч тўлга атиги бир тўп билан (буни иккинчи тайм Д. Ан боши билан киритди) жавоб қайтарди, холос.

ЎЛКАМИЗДА БАҲОР.

Р. Жуманиёзов фотоэтюди.

БОБОКАЛОН ШОИР МАДҲИ

Зал лиқ тўла одам. Чиройли қилиб безатилган стендларда улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзлари, ғазалларидан сатрлар. Президиум олдига қўйилган каттакон расмдан улуғ шоир сиймоси залдагиларга нигоҳ ташлаб турибди. Ҳамманинг диққат-эътибори шоирнинг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти ҳақида фаҳр билан минбардан сўзлаётган филология фанлари доктори Абдуқодир Ҳайтметовда. Нотиқ тўлқинланиб гапирмоқда:

— Биз Алишер Навоийдек улуғ инсоннинг авлоди бўлишимиз билан беҳад фахрланамиз. У ўзбек халқининг фахри, кўп шоирларнинг маънавий устози ҳисобланади.

Навоий ажойиб одам эди. Унинг умр йўли ўзи бир дунё. Шоир Хиротда туғилиб, ўша ерда улғайди. Истеъдодли Алишер беш ёшидаёқ қўлига қалам олиб, ғазал ёзган. Тўққизўн ёшидаёқ зўр қобилияти, маҳорати билан улкан шоирларни қойил қолдирган. У ҳамиша яхшилик тўғрисида, ободончилик ҳақида ўйлар, халқ тўғрисида қайғурар эди.

Нотиқ ўз фикрининг исботи учун шоирнинг ажойиб ғазалларидан ўқиб берди.

Алишер ўз замонасининг етук шоирларидан бўлиш билан бир қаторда меҳрибон устоз ҳам эди. Бу ҳақда филология фанлари кандидати Суйима Ғаниева сўзлаб берди. Навоий ёшлар ижодини жуда қадрлаган. Давлат ва ижодий ишлар билан банд бўлишига қарамай, ёшларни тарбиялашга вақт топган, деди С. Ғаниева.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 525 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

□ □

Ўтган йили ўзбек олимларидан бир группаси Афғонистонга, Хиротга боришди. У ерда Алишер Навоий мақбарасини зиёрат қилишди. Улар орасида фалсафа фанлари доктори Воҳид Зоҳидов ҳам бор эди.

Кеча қатнашчилари олимнинг Афғонистон эсдаликларини, хотиралари мароқ билан тингладилар.

Шундан сўнг шеърхонлик бўлди. Кекса ғазалхонимиз, отахон шоир Ҳабибий, шоирлардан Ж. Жабборов, Е. Мирзо, О. Расуловлар Навоий ғазалларидан ҳамда ўзлари битган янги шеърларидан ўқиб бердилар.

Ўзбекистон радиокомитети ва телевидениеси солистлари Ш. Эргашев билан С. Аминов Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлардан ижро этдилар.

Янгийўл район партия комитетининг мажлислар залида ўтказилган бу оқшом кишилар қалбида катта таассурот қолдирди.

З. КУРТНЕЗИРОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

И З М А - И З...

Шу йилнинг февраль ойи эди. Ёмғир аралаш қор уриб турибти. Кўчалардаги бўловчилар ҳам тезроқ бирор пана жойга ўтиб олишга ошиқади. Кун чошгоҳдан ошган. Ангрендаги 49-саноат моллари магазини мудири Ерванец Хачатуров ўз одатига кўра кундалик ишини давом эттирмоқда эди. Ҳозиргина сотувчилардан бири складдан мол олиб чиқиб кетди.

Хачатуров столга яхшироқ ўтириб, ўз ҳисобидаги моллари ҳисоб-китоб қила бошлади. Бирин-кетин рақамларни чўтга солиб, ҳисоблади. Шу пайт эшик аста очилиб, бирор киргандек бўлди. У бунга эътибор бермай, ўз ишини давом эттирди.

— Кўтар қўлингни,— деди ҳозиргина кирган кишилардан иккитаси унга яқинлашиб. Хачатуров ўтирган ерида бурилиб овоз келган томонга қаради. Унинг ёнида пичоқ ялангочлаб икки киши турарди. Уларнинг учинчи шериги эса эшик илгагини ичкаридан мустаҳкамламоқда эди.— Ўрнингдан қимирлама! Бўлмаса ҳозироқ жаҳаннамга кетасан!

— Йигитлар, ҳазил қилманглар! Ўзи нима гап?

Шу пайт барваста қўллар Хачатуровнинг икки қўлини орқага қилиб, стул суянчиғига маҳкам боғлади. Оғзига чарм қўл қоп тиқиб, устидан шарф билан маҳкам чирмади. Бу иш шунчалик тезлик билан бажарилдики, ҳатто Хачатуров фикрини йиғишга улгура олмади.

— Қани тезроқ пўлат сандиқ калитини бер мушук-сичқон ўйнаб ўтиришга вақтимиз йўқ.

Хачатуров имо билан бурчакни кўрсатди. Шу тарада вақтни чўзишга ҳаракат қилди. Биронта кишининг келиб қолишига умид боғлади. Калитни тополмагач, қароқчилар уни тинтув қилишди. Калит унинг чўнтагида эди. Калитни олиб, пўлат сандиқни очишди. Ундаги олти минг сўмдан кўпроқ пул ва турли маркадаги қирқта соатни олишиб, тезда ғойиб бўлишди...

Хачатуров вақтни қўлдан бой бермаслик учун бор кучини йиғиб ҳаракат қилди. Ўзи боғлаб қўйилган стул билан эшик томонга силжиди. Ниҳоят бир қўлини бўшатди. Оғзига тиқилган қўлқопнинг аранг чиқариб ташлади. бандитлар эшикни орқасидан беркитиб кетишипти.

— Ёрдам беринг!..

Бу овози ҳеч ким эшитмади. Склад эшиги бино ҳовлисида бўлгани учун у ерда одам кам бўларди. У ўз сўзини бир неча бор такрорлади. Эшик ёнида кимнингдир шарпаси эшитилди:

— Ҳой, бу ким?— такрорлади Хачатуров,— ёрдам беринг, мени ўғрилар боғлаб кетишди.

Орадан кўп ўтмай халқи одам магазиндан сотувчиларни бошлаб келди. Улар эшикни очишди-ю, ҳангманг бўлиб қолишди...

Дарҳол милицияга хабар берилди. Воқеани тезлик билан аниқлаша бошлашди.

Вақт зиқ эди. Дарҳол барча темир йўл станциялари, аэропортлар ва автовокзалларга хабар берилиб, гумон қилинган жойга одамлар юборилди. Хачатуров Тошкентга чақирилди.

...Тошкентда область милиция бошқармасидаги ўртоқлар ҳам воқеадан хабардор эдилар. Хачатуров келиши билан унга милиционер Тўрақуловни қўшиб беришди. Поездлар бирин-кетин жўнатилмоқда. Бирортасида ҳам ўғри гумон қилинган шахслар кўзга чалинмади.

Тошкент—Новосибирск поезди жўнатилиши ҳақида диктор хабар берди. Мана паровоз ўкириб йўлга тушди. Шу пайт Тошкент—Новосибирск поезднинг учинчи вагонига бир киши чиқди. Хачатуров таърифлаган ўғрилардан бири шу эди...

Поезд йўлга тушди. Улар дарҳол бошқармага келишди, воқеани милиция подполковниги Шегайга айтишди. Шегай ўйлаб ўтирмади. Оператив группани чақириб шошилинч мажлис ўтказди.

— Кечиктиришнинг ҳожати йўқ. Масала битта — поезднинг олдини тўсиб чиқиш керак. Ариқда улгуролмаймиз. Фақат Чимкентда поезднинг олдини тўсиб чиқиш мумкин. Қани, йўлга тушдик!

...Денишев билан Хачатуров машинага ўтириб Чимкентга йўл олишди. Йўл-йўлакай барча пунктлар воқеадан хабардор қилинди. Кенг асфальт йўлда елган енгил машина Чимкент вокзали ёнига келди...

Биринчи вагонга чиқдилар. Барча ўринлар синчиклаб кўздан кечирилди. Учинчи қаватда бир киши ҳудди мушукдек кўзанак бўлиб ётарди. У кишилар ухлаган гумон қилсинлар учун ясама хуррак отмоқда. Қидирувчилар унинг ёнига келиб тўхташи.

— Гражданин, бу ёққа қаранг!..

— Сенларга нима керак? Мана, чиптам...

— Қани ерга тушинг!

— Сенларга кўрсатаман...

Шу пайт унинг кўзи магазин мудирига тушди-ю ўзини қўярга жой тополмай қолди...

Милицияда тинтув қилингач унинг ёнидан 1.400 сўм пул ва саккизта турли маркадаги соат чиқди. Гумонсирашга ўрин қолмади. Бу ўша ўғриларнинг шериги эди.

— Фамилиянгиз?

— Черенчев Виктор Иванович.

— Туғилган йилингиз?

— 1948 йил.

— Шерикларингиз ким эди? Улар қаерда?

— Мен қайдан билай. Ўз улушимни олгандан кейин, суриштирмай йўлга тушганман...

Ўғри Тошкентга келгач, яна тергов қилинди. Унинг шерикларини топиш зарур эди. Аммо у шерикларини айтишни истамас, фақат ўзини айбдор деб биларди.

— Шундай қилиб, шерикларим Тошкентда дедингизми?

— Қачон? Йўқ. Улар Новосибирскга боришади, у ерда Шапраненко билан учрашади. Шунга маслаҳаглашганмиз. Мен улардан олдинроқ бориб турмоқчи эдим.

— Новосибирскнинг ўзидами?

— Йўқ, Мариинскда туради.

Адрес аниқлангач, ўша куни майор Спартак Денишев билан Хачатуров Новосибирскка учиб кетишди. Ўғри алдамапти. Мариинскда Шапраненкони топишди. Хачатуров ўғрилар орасида бу одам бўлмаганини айтди. Терговда Шапраненконинг ўзи ҳам ўғриликда катнашмагани, аммо ўғрилар битта катта иш қилишмоқчи эканликларини айтиб, унинга бориш-мосқ бўлганликларини тан олди. Новосибирскда милиция огоҳлантириб, Денишев билан Хачатуров Тошкентга қайтишди...

Ниҳоят, ўғриларнинг бири Чорвоқда эканини Черенчев айтиб берди. У ўз онаси уйида яшириниб, 4—5 ойдан буён ишламай юрган Глазунов экан. Глазуновнинг уйи тинтув қилинди. Анча пул, саккизта соат ва магазин мудирининг оғзига тиқилган қўлқопнинг бир пойи чиқди. «Граф» лақабли Виктор Петрович Глазунов 1948 йилда туғилган экан. Учинчи ўғри Юрий Федорович Шевченко ҳам Чорвоқда яшириниб қолган жойидан топилди.

Ўғрилар алоҳида-алоҳида тергов қилиниб, юзлаштирилди. Уларнинг гапидан бу ишга яна даҳлдор одам борга ўхшарди. Магазин ёнида исгиқомат қилувчи кишилар бир неча бор кузойнакли одам уч киши билан гаплашиб турганини кўрганликларини айтишди. Ўғриларнинг ўзи ҳам «Боб» лақабли киши бошлиқлари эканини тан олишди.

Милиция суриштирди. У 1963 йилгача Ангренда буфетчи бўлиб ишлаб, сўнг растрата қилиб қамалиб кетган Роберт Гаргенович Акопян бўлиб чиқди.

Ҳозир ўғрилар тергов қилинмоқда. Улар чапдастлик қилиб милициядан, жазодан қутилмоқчи эдилар. Аммо чапдастлик иш бермади. Қилмишларига яраша жазо олишади.

М. ҲАКИМОВ.
Ё. МИРПУЛАТОВ.

Димитрий Синицкий ижодидан

— Кеч қолдинг, деб нега қойийсиз, мана айбдор...

Биров гул ўстирар, биров...

ХОТИН: — Ух, бугун ҳам боплашибдику...

— Янги беданамнинг овози қалай?

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МАКТАБ УҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚАНИКУЛ КУНЛАРИДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55—**Эшиттиришлар программаси,** 11.00—**Буфетдаги воқеа** (болалар учун фильм), 11.10—**Ёшлар учун,** 11.40—**Капитан Теңкеш** (телевизион бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 12.30—**Гимнастика** (ҳужжатли фильм), 13.00—**10 минг ўғил бола** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 дан—**Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55—**Эшиттиришлар программаси,** 18.00—**Телевизион янгиликлар,** 18.15—**Саломат бўлинг, Цанов** (болалар учун фильм), 18.35—**Революцион шон-шуҳрат ёдгорликлари,** 18.50—**Медицина темаларида,** 19.10—**Музикали календарь,** 20.00—**Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.05—**Телевизион янгиликлар,** 20.20—**Осиё ва Африка ёзувчилари конференцияси олдидан.** Вишну Прабхакар. **Рақноса** (новеллалар телетеатри), 20.45—**Олтин водий.**

Рус тилида 21.55—**Лотнинг хотини** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55—**Эшиттиришлар программаси,** 18.00—**Болалар ва ҳайвонлар** (болалар учун кинофильм), 18.10—**Беш йиллик илғорлари,** 18.30—**Чизма геометрия** (сиртдан ўқиётган студентлар учун рус тилида ўқув программаси), 19.35—**Телевизион янгиликлар.**

19.45 дан—**Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА—24/III да **Жизель.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—24/III да кундуз **Алишер Навоий,** кечқурун **Вероналик икки йигит,** 25/III да кундуз **Оқ кабутар,** кечқурун **Ўғирланган умр.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—24/III да **Ёшликда берган кўнгил,** 25/III да **Ўғил уйлантириш.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Катта цирк тамошалари. **Ҳиндистон филлари аттракциони.**

КИНО

Судхўрнинг ўлими — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 2, кеч 6 ва 10 да).

Аманиминг туши — «МИР», «ФЕСТИВАЛЬ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

Ночорлик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (1-залда тоқ соатларда), «СПУТНИК» (жўфт соатларда).

Тепамиздаги осмон — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Уч баҳалоқ — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Бебер-саёҳатчи — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

«Шантеклер» малакаси — «ДРУЖБА» (2-залда жўфт соатларда ва кеч 9-40 минутда).

Кичик рицарлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

Аёзбобо — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

Трясогузка армияси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

1967 йил 1 апрелдан 1 августгача

физикадан ўзбек тилида соатбай дарс олиб бориш учун ўқитувчилар таклиф қилади.

Тошкент шаҳар, Учительская кўчаси, 39-уй, 26-хонага мурожаат қилинсин.

2-ПИВО ЗАВОДИГА

Пиво қуйиш цехи ишчилари, (солод қуритиш, пиширш, кронекорка), қурилиш ремонти, аммиак установка машинистлари (компрессор цехига), слесарлар, газ пайвандчилари (механика цехи), металлни совуқ ҳолда ишлаш бўйича мастерлар, устахона мудирлари, юкчилар (транспортга) энагалар (болалар боғчасига), тракторчилар.

КЕРАК.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, Аллея тупиги, 162-уй (1,4,-трамвайлар, 12, 29, 30, 48, 51-автобуслар, 2, 3, 6, 7-троллейбуслар-нинг «Бируний номли майдон» остановкаси).

«ЎЗЭНЕРГОСБИТ»

электрдан фойдаланганлик учун счёт ёзиш ўзларига топширилган кишиларга таклиф қиладини, электр учун

Ҳар ойнинг 1-кунидан, 11-кунигача счёт ёзиб, тегишли пулни Госбанкнинг кирим омонат кассаларига тўласинлар.

Ўтган вақт учун қарзлари бўлган абонентлар уни дарҳол тўлашлари лозим.

Счётлар ўз вақтида тўланмаса, электр оғоқ қилинмасдан узиб қўйилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—В35212. Редактор ўринбосарлари—В35885, В36232. Масъул секретарь—В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—В33786. Партия турмуши. Ахборот ва спорт бўлимлари—В35811. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари—В39050. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими—В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими—В34048. Эълонлар бўлими—В38142. Коммутатор—В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р.00772. ИНДЕКС 64970. А. — 1826.